

GEODEZIYA

f MRT0GR&I1á ¥á GIO KIOR OETIŒI

GEO

ILMIY - TEXNIK JURNALI

ISSN-I-2181-4546



GEODEZIYA
X4RT ÖRÜRÁF ITÈ
GEOINFORMATIKA

Nº2
2024

И.М.Мусаев, Д.Б.Эшназаров, М.И.Нуретдинова - Фарғона вилоятининг маъмурӣ-худудий бўлинишини ҳолати ва таҳлили	134
A.N.Jumanov, G.A.Artikov, A.K.Yoqubov, N.T.Mirjalolov - Analysis of vegetation changes in land area of andijan region using gis technology and remote sensing data	140
N.Sh.Umarov, M.X.Bobokalonov, M.Sh.Akhmedova - Monitoring the dynamics of green spaces in kashkadarya region based on remote sensing data of climate change	148
N.Sh.Umarov, F.E.Gulmurodov, M.Sh.Akhmedova - Ndvi based assessment of land cover changes using remote sensing and gis-(a case study of samarkand region, bulungur district)	155
N.Sh.Umarov, L.T.Ibragimov, Z.R.Yarkulov - Assessment of soil salinity in central fergana valley of uzbekistan using landsat-8 oli	162
A.R.Orazbayev, P.R.Reymov - Amudaryo deltasi yaylovlaridagi o'simliklarni gat texnoligiyalari va masofadan zondlash yordamida monitoring qilish	170
S.B.Goibberdiyev, M.B.Isroilova - Lalmi yerlardan samarali foydalanishni gat texnologiyasi asosida tahlil qilish	178
J.Sh. Poyanov - Qashqadaryo havzasi sug'oriladigan voha landshaftlarining dinamikasi	181
N.Sh.Umarov, G'X.Azzamov, T.S.Burxonov, Sh.Sh.Po'latov - Samarqand viloyatining tog' yon bag'irlaridagi bog' va uzumzorlarni sug'orishda suvdan samarali foydalanish	191
G'X.Azzamov, T.S.Burxonov, Sh.Sh.Po'latov - Suv resurslaridan samarali foydalanish uchun tuproqning namlanish chuqurligini aniqlash	201
О.Р.Алланазаров, С.И.Хикматуллаев - Кадастр мақсадлари учун маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ва статистик гуруҳлаштириш	209
Ю.А.Романюк, Д.Б.Халилов, Р.Е.Гулмурзаева, Б.Ш.Мехмонов, О.А.Комилов - Составление индексных карт сельскохозяйственных земель в республике узбекистан.....	219
Z.S.Abdullayev, Sh.N.Turkmanova - O'qituvchi bilan anglash masalalarida kompetensiya sohalarini aniqlash	232
В.Р.Ниязов, У.А.Рахимов, М.С.Ҳамдамов - Кўчмас мулкни давлат кадастри рўйхатига олишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиши муаммоаси	241
В.Р.Ниязов, У.А.Рахимов, М.С.Ҳамдамов - Кўчмас мулк кадастрини чизиқли муҳандислик иншоотлари бўйича фазовий маълумотлар билан таъминлаш муаммоси	248
М.О.Абдураҳимова, З.И.Рахимова - Ер ҳисобини юритиш услубларини такомиллаштириш	253
O'.Muxtorov, N.Yuldasheva - Bino va inshootlar davlat kadastrini uch o'lchamda (3d) yuritishning avzalliklari	257
Н.А.Минашкина - Обновление и создание цифровых топографических карт по космическим снимкам	261

ЕР ҲИСОБИНИ ЙОРИТИШ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.О.Абдураҳимова – т.ф.ф.д., катта ўқитувчи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаши муҳандислари институти, 100000, Тошкент шаҳри, Кори-Ниёзий кўчаси, 39. e-mail: mohigul_9429@mail.ru

З.И.Рахимова – мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада ер ҳисобини юритиши турлари, услублари ва улардан фойдаланишида рақамлаштиришининг аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, ер ҳисобини шакллантиришида замонавий ахборот технологиялари ва электрон дастурлардан фойдаланиши кўлами ва афзалликлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ер ахборот тизими, ер ҳисоби, ер кадастри, ер фонди, ер участкаси.

Abstract. The article analyzes the types and methods of land accounting and the importance of digitalization in their use. The scope and advantages of using modern information technologies and electronic programs in the formation of land records are also analyzed.

Key words: land information system, land registration, land cadastre, land fund, land plot.

Аннотация. В статье анализируются виды и методы учета земель и значение цифровизации в их использовании. Также анализируются масштабы и преимущества использования современных информационных технологий и электронных программ при формировании поземельных книг.

Ключевые слова: земельная информационная система, регистрация земель, земельный кадастр, земельный фонд, земельный участок.

Кириш

Ер ҳисоби самарали юритишиктисиодиётни ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда

қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва унга бўлган эҳтиёжни аниқлашда катта аҳамият қасб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиши тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061-сон Фармони, 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоффликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243-сон Фармони ва 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПК-5006-сон Қарорида ерга оид хукуқбузарликларни аниқлаш, хужжатлар тўпламини шакллантириш, уларни кўриб чиқиш ва мониторингини юритиши бўйича ахборот тизимига интеграция қилиш каби бир қатор вазифалар келтириб ўтилган [1-3].

Ер ҳисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда ер ҳисоби юқори аниқликда бўлиши зарур. Бунда ерга оид ахборотларни назорат қилиш учун рақамли технологияларни қўллаган ҳолда ер ҳисобини юритиши талаб қилинади. Мъалумки, республикамиз вилоятларининг табиий ва иқтисодий шароитларини хилма-хиллигини ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишда ер ҳисобига қўйидаги талаблар қўйилади. Жумладан, хўжаликнинг йирик шаҳар, саноат маркази ва қайта ишлаш корхоналарига нисбатан жойлашиши; қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонларининг микдори, сифати ва табиий шароити; чорвачиликда иқтисодий фойда келтирадиган у ёки бу экин турларини танлаш; қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш [5].

Ерни давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб берилишида хўжалик ерларининг микдори, сифати, ер турлари ва улардан фойдаланиш даражаси, ўзлаштириладиган янги ер майдонларининг ҳисоб-китоблари ер ҳисобига асосланади. Булардан ташқари, ер ҳисоби ҳамда қиймати ҳақидаги маълумотлар ердан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқقا асос бўлади. Ер ҳисоби давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятлари билан боғлиқдир. Ер ҳисобида ерларнинг микдор жиҳатидан ҳисобини юритиш ҳамда сифат тавсифини бериш учун одатда натурал ўлчовлар қўлланилади. Қўйилган аниқ вазифаларига ва асосий мақсадларига қараб ер ҳисоби турлича аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ерларнинг мавжуд ҳолати ва фойдаланиш бўйича ҳисоб – китоб ишлари юқори сифатли план - харита материаллари асосида олиб борилади. Ерларни ҳисоб қилиш мамлакат бўйича ягона услубият асосида ўтказилади. Бу эса ўз навбатида ҳисобга олинадиган ер тоифалари ва республиканинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларни бир – бирлари билан таққослашни

таъминлайди. Ер ҳисобининг обьекти ягона давлат ер фонди бўлганлиги сабабли кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу ер майдонлари маълум мақсадларда фойдаланилаётими ёки йўқми, булардан қатъий назар, ер фондига кирувчи барча ер участкалари ҳисоб қилинади. Бу эса ўз навбатида, умумий майдонни, уни ер тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради. Ер ҳисобини тўғри ташкил этишнинг муҳим шарти уни ўз вақтида ва узлуксиз юритишидир. Бу эса ер ҳисоби маълумотларини давр талаби даражасида тутишга имкон беради. Бу тамоил ер майдонларининг ҳолати ва фойдаланишида рўй берадиган микдорий ва сифат ўзгаришларни тизимли тарзда ҳисоб қилиб боришга зарурият туғдиради. Ер майдонларини ҳисоб қилишда барча ўзгаришлар жиҳида қайд қилинганидан сўнггина ер ҳисоби хужжатларига қайд қилиш зарур. Микдорий маълумотларни турли графиклар, диаграммалар тарзида курсатиш мақсадга мувофиқдир. Ер ҳисоби ва ер ҳисботи хужжатлари ўртасида мантиқий жиҳатдан доимий равища боғлиқлик бўлиши керак. Чунки ер ҳисоби натижалари ер балансини тузишга бирламчи асос бўлади. Ер ҳисобини ўтказиша кам харажат талаб қиласиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувнинг такомиллашган усулларини қўллаш мамлакат ягона ер фонди ҳисобини тўғри, ўз вақтида юқори сифатда амалга оширишга имкон беради.

Ер ҳисоби ишлари ўз вазифасига, мазмунига ва ўтказиш хусусиятига қараб давлат ер кадастри каби асосий бирламчи ва жорий (кундалик)

турларга бўлинади . Бу ҳисоб турлари ўзаро боғлиқдир ҳамда ягона ер ҳисоби жараёнининг маълум босқичларини ўzlарида намоён қиласди. Асосий ер ҳисобининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- ҳисоб қилинадиган худуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, бир тизимга келтириш ва таҳлил қилиш;

- зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план-харита материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш ҳамда кузатув бўйича дала қидирув ишларини ўтказиш;

- ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ҳолатини, тақсимланиш ва фойдаланиш ҳолатини аниқлаш;

- маҳсус ер ҳисоби хариталарини тайёрлаш ва матн ҳужжатларига бирламчи ёзувларни киритиш;

- ер фонди таркибини ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ер турлари бўйича аниқлаш, ерларни маъмурий бирликлар (туман, шаҳар, вилоят, республика) бўйича сифат жиҳатидан тавсифлаш [5].

Асосий ер ҳисоби - майдонларини тасвирга олиш ва кузатув, план -хариталар тузиш, майдонларнинг юзаларини ҳисоблаш билан боғлиқ. Ҳисоб қилинаётган ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Жорий ҳисобнинг вазифасига қўйидагилар киради: биринчидан, ерларнинг миқдори, сифати ва тақсимланишида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва ер ҳисоби ҳужжатларида қайд қилиш; иккинчидан, бирламчи ҳисобда йўл қўйилган хато ва камчиликларни

аниқлаш ҳамда ер ҳисоби ҳужжатларига аниқликлар киритишидир.

Бугунги кунда рақамлаштириш ва рақамли технологиялар ёрдамида маълумотлар оқимини бошқариш, шунингдек, уларни керакли тармоқларга интеграция қилиш барча соҳаларда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ер ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳам шу каби жараёнлардан ўтмоқда. Республикаизда ер ҳисобини юритиш ва такомиллаштириш хусусида сўз юритилар экан, сўнгги йилларда давлат раҳбари томонидан қабул қилинаётган тегишли фармон ва қонунлар бевосита шу жараённи рақамлаштириш сиёсатига қаратилган. Жумладан, “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061 сонли фармонига мувофиқ ер умуммиллий бойлиқ, Ўзбекистон халқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси, энг муҳим табиий ресурс ҳисоблангани ҳолда ундан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир”. Ушбу фармонга асоссан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилиши, онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилиниши, ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтори фақат Миллий геоахборот тизимида юритилиши, Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилиши ва тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимида фақат

телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши белгиланган. Кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар бугунги Давреестр рақамлаштирилган тизими, Кўчмас мулк рақамлаштирилган тизими каби ахборот тизимларида жамланиб келинмоқда. Мазкур маълумотлар ўз навбатида географик кўринишлар билан бирга умумлаштирилиб, геоахборот тизимларида шартли белгилар орқали расмийлаштирилиб, омма учун бўлган геопорталга жойланади. Агентлик томонидан ушбу маълумотларни бир жойда жамлаш ҳамда омма учун очик тарзда фойдаланиш имконини берадиган платформа, яъни <http://map.geoportal.uz/> геопортали ишлаб келмоқда. Мазкур геопорталда кўчмас мулк обектлари ер чегараси, кадастр раками, обект тури, манзили, ер майдони каби маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдааги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5006 сонли қарорининг 10-бандида ерга оид ҳукуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш мониторингини юритиши бўйича «E-YER NAZORAT» автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш; ерга оид ҳукуқбузарликларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни «E-YER NAZORAT» тизимига киритиб бориш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлинмалари, судлар ҳамда маҳаллий

давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимига интеграция қилиш каби бир қатор вазифалар келтириб ўтилган. Бугунги кунда ер ҳисобини юритиши тизимини такомиллаштиришда қуйидаги электрон тизимлардан кенг фойдаланиб келинмоқда (1-расм).

Электрон дастурнома геопортал	Максади	Кандай ҳужжат асосида юритиши	вакт	Масъул ташнивот
	қўчмас мулк обектлари ер чегараси, кадастр раками, манзили, ер майдони майдонларни жамлади	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 септембриндаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларни юртган тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6061 сонли фармонига мөнадиёт	2021 йил 1 январ	Кадастр агентлиги
«E-YER NAZORAT»	Максаду давлат органлари томонидан 2021 йил 24 февралда “Қишлоқ хўжалининг оғза ҳукуқбузарликларини аниқлаш, ҳужжатлар мўлжаллансанда сурʼони фойдаланиш ва муҳофаза тўпламини шакллантириш, уларни ўз вактолди ва қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшича объектни кўриб чиқиш максадида электрон чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5006 сонли қарори хуқожатни замонийнамояти ошиганини юритиши	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 учун ер учташувчалик ташнивот, келинни, азномни юниди “Ер муносабатларда тенглини ва танҳолни интигор этиш учун мурожажатларни шифофишни таъминлаш, ерга бутаги ҳукужларни кабзу қилиш азномин ўтиказни, унинг ишончиҳо ҳизни ва уларни бош активига натижаларни расмийлаштиришни билан бозига ӣйлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243 сонли қароридан, истиғози ғафқ эслетсан сонли фармонига мөнадиёт	2021 йилдан	Кадастр агентлиги
«E-qaror»	Максаду давлат органлари томонидан 2021 йил 24 февралда “Қишлоқ хўжалининг оғза ҳукуқбузарликларини аниқлаш, ҳужжатлар мўлжаллансанда сурʼони фойдаланиш ва муҳофаза тўпламини шакллантириш, уларни ўз вактолди ва қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшича объектни кўриб чиқиш максадида электрон чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5006 сонли қарори хуқожатни замонийнамояти ошиганини юритиши	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 учун ер учташувчалик ташнивот, келинни, азномни юниди “Ер муносабатларда тенглини ва танҳолни интигор этиш учун мурожажатларни шифофишни таъминлаш, ерга бутаги ҳукужларни кабзу қилиш азномин ўтиказни, унинг ишончиҳо ҳизни ва уларни бош активига натижаларни расмийлаштиришни билан бозига ӣйлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243 сонли қароридан, истиғози ғафқ эслетсан сонли фармонига мөнадиёт	2021 йилдан	Кадастр агентлиги
“Uzakad”	қишлоқхўжалиги ерларини ҳисобга олиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 майда “Ўзакад” дастурларни юритиши	2021 йилдан	Кадастр агентлиги

1-расм. Ер ҳисобини юритишида республикада мавжуд электрон дастурлар

Юқоридаги электрон дастурлардан фойдаланиш орқали ер ҳисобини юритишида маълумотлар оқимини назорат қилиш, самарали ер ҳисобини маълумотлар тизимини шакллантириш, ер ресурсларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш ва албатта инсон омилини камайтиришга эришилади.

Хулоса

Тизимдаги бу каби рақамлаштириш жараёнига оид маълумотларнинг ишончли ва тезкор тартибда фойдаланувчига етказишида ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йигинларига оид маълумотларни рақамлаштириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиши тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061 сонли. 07.09.2020

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ер муносабатларида тенглик ва

шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳукуқларни ишончли химоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6243 сонли. 08.06.2021

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-5006-сонли. 24.02.2021

4. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. 2016 Ер ахборот тизими, Тошкент: ТИМИ. 151 б.

5. Бабажанов А.Р., Қ.Рахмонов Қ., Гофуров А. Ер кадастри.Дарслик. Т:ТИМИ, 208 б.

6. Варламова А.А. Теоретические и методические положения управления земельными

ресурсами и формирования системы государственного земельного кадастра: Монография, М.: ГУЗ, 2001,175стр.

7. Ярматова Д.С., Бобожонов А.Р. Давлат кадастри асослари. ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Т.: Чўлпон номидаги НМИУ 2014.

8. А.С.Чертовицкий, А.К. Бозоров. Земельный кадастр. Учебное пособие. –Т.: “Фан ва технология”, 2013, - 296 стр.

9. Толипов Г.А., Ғуломов Х.Ғ., Мақсудов Ж.М., Акрамов И.А. Ўзбекистон Республикаси ер кадастри. Т.: МСХРУз, 1994. -244 б.

10. Варламов А.А., Гальченко С.А. Земельный кадастр. Географические и земельные информационные системы Том-6. Учебник. “КолосС”. М.: 2005 й.

UO'K: 347.235.11:379.816

BINO VA INSHOOTLAR DAVLAT KADASTRINI UCH O'LCHAMDA (3D) YURITISHNING AVZALLIKLARI

**Ў.Мухторов – “ТИҚҲММИ” МТУ доценти
Н.Юлдашева - “ТИҚҲММИ” МТУ талабаси**

Annotatsiya. Ushbu maqolada 3D formatida davlat kadastrini yuritish vazifalar va tuzilmalarning muammolari ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Bino va inshootlar davlat kadastr, uch o'lchamli kadastr, geoaxborot tizimlari, zamonaliviy texnologiya, laserli skanerlar

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы ведения государственного кадастра объектов и сооружений в формате 3D.

Ключевые слова: Кадастр здание и сооружений, трёхмерный кадастр, геоинформационные системы, инновационные технологии, лазерные сканеры

Abstract. This article discusses the problems of maintaining the state cadastre of tasks and structures in the format of 3 D.

Keywords: Cadastre of buildings and structures, three dimensional cadastre, geoinformation systems, innovative technology, laser scanner

Кириш

Hozirgi kunda ko‘plab davlatlarda shu jumladan, O‘zbekistonda ham bino va inshootlar kadastr ikki o'lchamda yuritiladi. Yer uchastkalarning joylashuviga ularning chegara nuqtalari to‘g‘ri burchakli koordinata tizimida aniqlanadi. Bu esa joydagи qo‘shti uchastka chegaralariga nisbatan uchastka shakli,